

Респиратор (N95 туридаги) юз ниқобига қўйиладиган талаблар:

- Етказиб бериладиган маҳсулотлар мавжуд стандартларга мос келиши ҳамда **ГОСТ 12.4.294-2015** талаблари асосида ишлаб чиқарилган бўлиши ва ишлаб чиқарувчи корхона **ISO 9001** талабларига жавоб бериши лозим.;

- Респиратор (N95 туридаги) юз ниқоби - **ГОСТ 12.4.294-2015** талабларига мос келиши;

- Респиратор (N95 туридаги) юз ниқоби ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган тиббиёт материаллари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фойдаланишга рухсати мавжудлиги;

- Респиратор (N95 туридаги) юз ниқоби **FFP2** турида бўлиши;

- Респиратор (N95 туридаги) юз ниқоби 4 қаватдан кам бўлмаган **(Spanbond ► Melt-blown ► Melt-blown ► Spanbond)** фойдаланиш даврида ўз шаклини сақлаб қолувчи, ҳар томонлама фойдаланишга қулай, аллергия омиллари чақирмайдиган материалларидан тайёрланган ҳамда зичлиги (плотность) 30 г/м² бўлиши ҳамда енгил нафас олиш ва чиқаришни таъминловчи клапанга эга эканлиги;

- Респиратор (N95 туридаги) юз ниқобининг филтрлаш даражаси 95% дан кам бўлмаслиги;

- Респиратор (N95 туридаги) юз ниқобининг сақлаш муддати 5 йилдан кам бўлмаслиги;

- Респиратор (N95 туридаги) юз ниқоби бир герметик ёпилган ўрамда (полиэтилен пакет) 5, 10 донадан ва бир гофра картон транспорт қутиларга 1000 донагача жойлаштирилган бўлиши керак.

- Респиратор (N95 туридаги) юз ниқоби оқ рангда бўлиши мақсадга мувофиқ.

- Респиратор (N95 туридаги) юз ниқоби ўрам ва қутиларни маркировкаси **ГОСТ 12.4.294-2015** талабларига мос келиши ва қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- ишлаб чиқарувчи корхонанинг юридик манзили, телефон рақами ва товар белгиси;

- маҳсулотнинг номи;

- Респиратор (N95 туридаги) юз ниқобининг ўлчамлари;

- партия рақами;

- Респиратор (N95 туридаги) юз ниқобининг сони, ишлаб чиқарилган санаси (ой, йил) ва кафолатланган сақлаш муддати (5 йилдан кам бўлмаган ҳолда);

- узоқ муддат сақлаш шартлари;

- стандарт белгиси.

- Етказиб бериладиган маҳсулот ўрнатилган тартибда тегишли идорларда Норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги мажбурий экспертизадан ўтказилади. Етказиб бериладиган маҳсулот янги ишлаб чиқарилган бўлиши ва етказиб берилган санада, маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган муддати 3 ойдан ошмаган бўлиши шарт.